



Мисрлик машхур корилардан бири, шайх Абдулбосит, шайх Халил Хусарийларнинг якин сафдоши, «Фаришта овозли» дея лакаб олган устоз шайх Махмуд Али Банно 1926 йили 17 декабрда Мануфия мухофазасидаги Шабиноул-Кумнинг маркази бўлган Шабробос кишлоғида таваллуд топган. Унинг отаси Хожи Али Раййиф тўнгич фарзанди киз бўлгани учун бир ўғил фарзанд кўришни каттик орзу қилиб юрар эди. Колеверса, унга дехкончилик билан шугулланиб тургани боис дала ишларида ва олди-сотди учун бир дастёр, ёрдамчи керак эди. Аммо Аллох унга ўғил берганида чакалокни кўриб, унинг фикри ўзгарди: жаннатга элтадиган энг якин ва осон йўл – Аллох таолонинг тоатидир. Ота-онага хақиқий манфаат берадиган, уларнинг ҳаққига хайрли дуо қиладиган солих фарзандни тарбиялаш учун ҳам айнан шу йўлни танлаш керак. Колаверса, инсон том маънода бахт-саодатга эришиши учун мустаҳкам кўргон, етарли озуқа ва йўлини ёритувчи машъалага муҳтож. Буларнинг барчаси Куръони Каримда мужассамдир. Хожи Али жаннат бўйи уфуриб турган бу чакалокни кўлига олар экан, унинг буюк неъмат эканини бутун вужуди билан ҳис қилди. Уни ато этган Аллох таолога ҳамду сано айтиб, юзлари қувонч ёшлари билан ювилди. У янги тугилган фарзандга яхши ният билан ўзининг энг каттик севган кишиси – Расулимиз соллаллоху алайхи васалламнинг исмларидан бирини кўйди: чакалокнинг исми Махмуд бўлди. «Исмнинг шахсга таъсири бор», деган хикмат шу гўдакда яққол кўринди. Махмуд бутун ҳаёти давомида мактовга лойиқ бўлди.

У тугилиши билан хонадонга файз-барақа ёғила бошлади. Унинг хонадонга қадами ярашгани яққол сезилиб турарди. Буни яхши пайкаган оила бошлиғи Али Банно гўдак ўглининг билим-маърифатли, Куръон ходими бўлишини орзу қилиб, кишлоқдаги Шайх Мусонинг хусусий мактабига олиб борди. Ўшанда Махмуд хали беш ёшга тўлмаган эди. Али Банно ўз мақсади йўлида ҳеч нарсани аямай, бор имкониятини ишга солди, бутун вужуди билан ҳаракат қилди.

Одатда шогирдларнинг дарсни пухта ёдлашига, Куръонни тажвид билан адо этишларига каттик эътибор берадиган талабчан устоз шайх Мусо янги талабаси Махмудга нисбатан янада талабчанлик билан ёндашди. Чунки болада улуглик аломатлари, хусусан, Куръонга моҳирлик иқтидори шундоқ кўриниб турарди. Зехн-хотирасининг ўткирлиги, фахму идрокиннинг кучлилиги ва тилининг бурролиги уни ҳаммадан ажратиб турарди. Хонадонда ҳам кичкинтой талаба Махмуднинг Куръонга кизикиши, уни осон ёд олиши, кундалик вазифаларини тайёрлаши учун барча шароит хозирланган эди. Ота-онаси Махмуддан ҳар қуни мактабдан келиши билан дарсни қандай топширганини ва қанча сабоқ олганини сўраб, муваффақиятлари билан уни олқишлар, қамчиликка йўл қўйган бўлса, унга насиҳат қилишар, ўрни келганда турли воситалар билан уни рағбатлантириб

туришар эди.

Али Баннонинг айтишича, Махмуд болалигида айрим ходисаларни олдиндан айтиб колар экан. Бир куни у «Туя йикилди! Туя йикилди!» деб қолибди. Буни тушунмай унга: «Сен нима деяпсан ўзи?» дейишибди. Шунда у яна: «Туя йикилди», дебди. Бу гапнинг мазмунини кишлоқдаги туя лакабли барзанги одам шу куни тўсатдан вафот этгач, тушунишибди.

Махмуд Али Банно ўзининг талабалик вақтларини шундай эслайди: «Мақтабда ўкиб юрганымда, олган сабоқларимни ёдлашга ниҳоятда ўч эдим. Кечаларни ухламай бедорликда ўтказар, уйга берилган дарсни тайёрлаб бўлиб, эртанги оладиган сабогимни ҳам тайёрлашга тушар эдим. Ёдлаб бўлгач, иккала сабоқни бирданига кўшиб ёдлар эдим. Устозимнинг бир сафар мени навда билан ургани хар доим эсимда турарди. Ўшанда мендан ҳеч қандай айб ўтмаган эди, дарсни яхши топширган эдим, сабоқни ҳам зийраклик билан тинглаб, яхши ўзлаштириб олган эдим. Шу боис, устоз мени нега қалтаклаганини тушуна олмай, қаттиқ ранжидим. Уйга қайтганимда, дод деб йиглаб юборганман. Онамга: «Устозим мени янги сабоқни яхши ўкиб берсам ҳам, урди», деб шикоят қилганман. Шунда онам: «Мен устозингга сенинг пахтазорга кетиб қолиб, пахта тераётганларнинг олдида ўйнаб, уларни томоша қилиб юганингни айтиб берган эдим. Устозинг сени шунинг учун урган. Болажоним, агар сен шунга одатланиб қолсанг, Қуръондан узоклашиб, оқибатда Қуръон ҳам сендан узоклашиб кетишидан қўрқдим. Мен доимо сенинг фойдангни, келажакингни ўйлайман. Чунки сен ахли Қуръон бўлишинг керак, Қуръон учунгина яшашинг керак. Махмуд, болажоним! Шунинг билгинки, Қуръон гўзалдир ва ўз соҳибини ҳам гўзал даражаларга кўтарарди», деди.

Мен ўша куни сабогимни тайёрлай олмадим. Эртасига устоз яна қалтаклайди деб қўриқиб, мақтабга ҳам бормадим. Бир пайт уйимизга халфа кириб келди. У жуда новча бола эди, икки метрча бор. Бирдан билагимдан тортиб, мени ташқарига олиб чиқди. Мен унга: «Тўхта! Ҳеч йўқ нон-пон олиб, оёқ кийимимни кийиб олай», дедим. У эса: «Бўлақол, вақт зик», деди. Ўшанда мен ўзимни қимсасиз, қариб ҳис қилган эдим, чунки бирортаси уйдан чиқиб, мени халфадан қутқармаган эди. Кейин билсам, буни устозим билан ота-онам бамаслаҳат қилишган экан. Халфа мени тўғри устознинг олдига олиб кирди. Мен устоз энди мени нима қилса қилади, деб ўйлаб турар эдим. Аммо устозим менга жуда ҳам мулоимлик билан яхши муносабатда бўлди, узок насиҳат қилди ва мени қайта урмаслигини айтди. Мен ҳам у кишига доим мақтабга қелишга ва Қуръонни, албатта, ёд олишга ваъда бердим...»

Махмуд Али Банно берган ваъдасига вафо қилиб, унинг устидан чиқди. Қуръонни пухта ёд олиб тамомлади. Унга нафакат талабалар, балки устозлар ҳам ҳавас билан боқар эди. Аллоҳ унга Қуръон ўқишга ана шундай маҳорат насиб этган эди, тажвид ва адоси маромида эди. Унинг қироатини тинглаган киши беихтиёр Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қуръонга моҳир киши улуг фаришталар билан биргадир», деган сўзларини эсга олар эди. Устоз ва талабалар ора кунда Махмуднинг қироатини тинглашни соғиниб қолиб, ундан Қуръон ўкиб беришини илтимос қилишар эди. Энг муҳими, қичкинтой Махмуднинг ўзини тутиши, юриш-туриши ҳам ўқиган Қуръонига монанд эди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, мақтабдаги бошқа талабалар ҳам унга қизиқиб, қори бўлишга қаттиқ бел боғлашди. Кишлоқдагилар энди ўн икки ёшга тўлмаган бу қичик қорини «Шайх» деб қақаришадиган бўлди. У ўша пайтда кишлоқдаги энг ёш қори эди.

Шайх Махмуд кейинчалик эслайди: Қуръонни тўла ёд олиб бўлганимдан сўнг хофиз

Куръон бўлганим шарафига уйимизда «Куръон тўйи» деб номланадиган кичик бир маросим уюштирилди. Бу маросимда устозим Шайх Мусога одамлар турли хил совгалар беришди. Уларнинг устозга: «Шундай корини тайёрлаганингиз учун ташаккур, раҳмат», деявериб эслари кетар эди.

Хожи Али Банно ҳам дин илми уламоларидан бўлишни, динга хизмат килишни жуда ҳам орзу қилган эди. Бирок давр такозоси ва оилавий шароит унинг бу умидларини йўққа чиқарди. Лекин унинг ушбу ихлосу муҳаббати зое кетмади: унинг исмини ўз номи билан бирга тутадиган ўгли Махмуд у кутгандек буюк шахс бўлиб етишди. Алий Банно ўзи чиқишни орзу қилган чўккилларда ўгли Махмудни кўриб, кўзалри қувончга тўлди, калби таскин топди.

Шайх Махмуд шундай дейди: «Отам мени Шабиноул-кум шаҳридаги диний маъҳадга ўқишга олиб бормокчи эди. Лекин отамга дўстларидан бири мени Танто шаҳридаги «Миншавий» маъҳадига олиб боришни маслаҳат берибди. Чунки бу даргоҳга Куръонни ёд олганларни тўғридан-тўғри қабул қилинар экан. Шу боис улар мени ҳам дарҳол қабул қилишди.

Маъҳад гилам ва бўйралар тўшалган синфлардан иборат бўлиб, ҳар синфда ўттизтадан қирқтагача талаба таҳсил оларди. Аллоҳ менга қориларга таклид қилиш иқтидорини берган эди. Маъҳадда шайх Муҳаммад Рифъатга таклид қилиб қироат қилганимда, мени эшитиш учун атрофимга одамлар тўпланиб кетар эди. Кейин мени Куръон ўқиб беришим учун Ахмадий масжидида ўтказиладиган қироат йигинларига ҳам чақириб туришадиган бўлди. Ўша пайтларда мен «Мўъжиза бола» деган ном билан танилдим. Чунки мендан халқ севиб тинглайдиган қорилар: шайх Муҳаммад Рифъат, шайх Муҳаммад Салома, шайх Абдулфаттоҳ Шаъшаъий ва шайх Муҳаммад Суддий каби машҳур устозларга таклид қилиб ўқиб беришни талаб қилишар, мен уларнинг бу таклифларини ҳеч иккиланмай қабул қилиб, таклидни жойига қўйиб қўяр эдим ва бу билан мен ўзимни жуда бахтиёр ҳис этар эдим. Юзлаб тингловчилар турли олқишлар билан мени яна ҳам шижоатлантириб юборар, натижада, маҳоратим яна ҳам ортиб, янада чиройлироқ ўқишга ўзимда қувват топар эдим. Ўшанда ёшим ўн иккида эди.

Маъҳаднинг катта устозларидан бўлган шайх Саъудий ва Шаъшаъийлар менга: «Эй Махмуд! Сен маъҳаднинг сарфу нахв каби дарсларини ўқиб юрмай, Танто шаҳридаги «Ахмадий» масжидига бориб, ўша ерда қироат илмларини ўрган. Чунки Аллоҳ сенга мумтоз овоз берган, сен қори бўлиш учун яратилгансан», дейишди. Мен «Ахмадий» масжидига бориб, марҳум шайх Иброҳим Салломнинг қабулига кириб, унинг кўригидан ўтдим. У киши одатда маъҳадга қирмокчи бўлган ҳар бир ўқувчининг Куръонни қанчалик пухта ёд олганини, тажвидини, талаффузини, қироатга бўлган эътиборини ва ташқи кўринишини ҳам яхшилаб текшириб кўриб, маъқул қелса, кейин уни маъҳадга қабул қилар эди».

Кичкинтой Махмуддаги иқтидорни кўриб, унинг бетакрор овозини эшитиб, шайх Салломнинг унга муҳаббати тушиб қолди. Унга имом Шотибийнинг «Шотибия» китобини ва тафсирини ёд олдирди. Махмуд шайхнинг қўлида Куръон илмларини ва ўн қироатни ўрганди.

Махмуд Али Банно ўн беш ёшга тўлганда доврўги яна ҳам кенг тарқалди. У энди таклид қилиш босқичидан ўтиб, ўзига ҳос мактаб ярата бошлаган эди. У бошқа қориларнинг қироатларидан ажралиб турадиган, ўзига ҳос рангда, гўзал бир суратда қироат қилар эди. Тез орада унинг бетакрор қироати миллионлаб Куръон шайдоларининг қалбидан жой олди.

Шайх Махмуд Али Банно шундай дер эди: «Кори, аввало, Куръони Каримни пухта ёд олиши ва уни тажвидга мувофик ўқишга мохир бўлиши керак. Шу билан бирга, у тарбияланган овозга эга бўлиши даркор. Кейин ундан таклид килиш малакасини қўлга киритиши талаб килинади. У шу даражада таклид килсинки, унинг кироатини эшитган киши ўзини у таклид килаётган корини тинглаётгандек хис килсин, ўша кори унинг қўз ўнгида гавдалансин. Шундан сўнг у ўзининг шахсий услуги ва овозини шакллантиради. Уни эшитган киши дархол: «Бу фалон кори-ку», дея олади. Мен бир умр таклид килиб юришни окламайман. Хар бир кори ўзига хос услубга, кироатга эга бўлиши лозим».

Махмуд Али Банно ўн саккиз ёшга тўлгач, шайх Иброхим Салломнинг тавсияси билан, илм талабида илм ва уламолар юртига – Кохира шахрига борди. Шайх Банно бу пайтда Куръон илмларини тўла эгаллаган, кироатда мохир, чиройли овоз ва гўзал тиловат сохиби бўлиб етишиб бўлган эди.

Шайх Махмуд Али Банно айтади: «1945 йили Кохирага йўл олдим. Мақсадим машхур, мўътабар кориларга яна ҳам якинрок бўлиб, улардан фойдаланиш эди. Мен уларнинг ўзимга ёккан ва мени хайратга солган кироатларини тасмага ёзиб олар эдим. Кейин уйга бориб, тасмани кайта-кайта эшитиб, ўша эшитган оятларимни худди ўша корилардек тиловат килишга харакат килар эдим».

Махмуд Али Банно 1946 йили нашида айтиш бўйича катта шухратга эга бўлган ва маком (муסיкий ноталар) илмида етук мутахассис саналган шайх Дарвеш Харирий билан учрашади. У киши шайх Махмудга макомларни пухта ўрганишида ва уни тиловатда татбик килишда катта ёрдам беради.

Мисрдаги машхур радиолардан бири «Шабанул-муслимин» жамияти радиоси масъулларидан бири Саййид Абу Ос масжидлардан бирида Махмуд Али Баннонинг кироатини эшитиб, ёктириб қолади ва уни радиода Куръон ўқиб беришга таклиф қилади. Катта устозлар ва кироат илмининг мутахассис билимдонларининг имтихонидан ўтгандан кейин унинг кироатлари радиода тўлқинларида ҳам янграй бошлайди. Шу пайтгача Мисрда корилар ичида радиога тиловат килиб беришни энг эрта бошлаган кори Абулъайнайн Шаъшаъий эди, у йигирма ёшидан радиога Куръон ўқиб беришни бошлаган эди. Шайх Махмуд бу борада иккинчи кори бўлди: йигирма икки ёшидан ушбу хизматга бел боғлади. Унинг тиловати 1948 йил декабрь ойида илк бор радиода эшиттирилди. Унинг мунгли, ёкимли овози тўғридан тўғри хаво тўлқинларига узатилар эди.

Шайх Махмуднинг радиода навбатдаги килиши керак бўлган ишлардан бири Куръони Каримнинг тўлик хатмисини овоз тасмасига тушириш эди. У бунга тўла ҳақли хам эди. 1965 йили Миср раҳбари Жамол Абдунносир Хусайннинг отаси вафот этганда мамлакатнинг энг йирик, машхур уламолари ва корилари мотамхонага ташриф буюришди. Устоз Мустафо Исмоил, Махмуд Халил Хусарий, Мухаммад Сиддик Миншавий, шайх Абдулбосит Абдуссамад, шайх Бахтимий ва бошқалар катори Махмуд Али Банно хам бор эди.

Шайх Махмуд ўша маросим хақида куйидагиларни эслайди: «Ўшанда Жамол Абдунносир менга : «Эй шайх Махмуд! Мураттал кироатингизни хам эшитсак бўладими?» деди. Чунки ўша пайтда мураттал (Куръонни ўртача тезликда ўқиб хатм килиш) кироати радиога узатиладиган ягона кори шайх Хусорий эди. Мен у кишига: «Ха, албатта», дедим-да, ўн дакика тартил билан, ўртача тезликда кироат килдим. Шунда Жамол Абдунносирнинг котиби Мухаммад Ахмад менга: «Сиз нега радиода эшиттирилиши учун муроттал кироатингизни ёздирмайсиз?» дедилар. Шунда мен: «Агар сиз мендан шуни истасангиз, мен буни кечиктирмайман», дедим.

Кейинорк мен диний ишлар буйича рахбарларнинг ташаббуслари билан Куръонни тадбирда тасмага ўкиб беришга киришдим ва эллик кундан оширмай бу ишни тамомладим. 1967 йилнинг бошида бу тасма радиода эфирга берилди. Бу вақтга келиб шайх Абдулбосит, Мухаммад Миншавий ва Мустафо Исмоилларнинг хатмилари тўлиқ тасмага туширилиб бўлган эди».ч

Шайх Али Банно кўплаб уламолар ва корилар билан якиндан алоқада бўлган. Хусусан, у XX аср муфассири лакабини олган, бир неча йил Азхари шариф шайхи вазифасида хизмат килган машхур олим шайх Мутаваллий Шаъровий жаноблари билан жуда якин дўст эди. Уларнинг ўртасидаги суҳбатлар асосан Куръони Карим мавзуида бўлар эди. Улар хакикатан ҳам Аллох учун, Аллохнинг каломи учун дўст бўлишган эди.

Шайх Али Банно кўплаб халқаро анжуманларда, турли тадбирларда иштирок этиб, Куръон тиловат килиб берган. Азхари Шариф рахбарияти бир катор Куръон мусобакаларида у кишини хакам этиб тайинлаган. У Ислом оламнинг катор мамлакатларида, шунингдек, бир канча Европа мамлакатларида хизмат сафаридида бўлган. У киши Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадаги икки Харамда ҳамда Куддусда Масжидул-Аксода Куръон ўкиб берган.

Шайх Махмуд Мадинаи мунавварадаги сафари хақида куйидагиларни эслайди:

«Мадинадаги Харамда Куръон ўкиб берадиган бўлдим. Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг равзалари олдида Куръон ўқишга киришар эканман, кўнглимдан бир гап ўтди: «Расулulloх соллalloху алайхи васаллам ёнимда бўлсалар, мен қандай Куръон ўқийман?!» Бир муддат кироат килолмай тутилиб қолдим, овозим чикмас эди.

Кўзларимдан ёш қуюларди. Шунда Аллох мени хидоят қилди: Расулulloх соллalloху алайхи васалламдан изн сўрадим. Бирдан ўзимда енгиллик сездим ва Ахзоб сурасидан кироат қилдим. «Эй Набий! Албатта, Биз сени гувоҳ, хушхабар берувчи ва огохлантриувчи килиб юбордик», деган мазмундаги оятга келганда, ундан ўтолмай қолдим. Шу бир оятни йигирма мартадан ортик қайтардим. Тингловчилар менга «Яна қайтар! Яна қайтар!» дейишарди».

Шайх Махмуд хаётининг сўнги йилларида, 1984 йил «Куръон корилари ва устозлари уюшмаси»га асос солинишида ҳам муҳим роль ўйнади. У ўша даврда Миср ҳукуматининг рахбари бўлиб турган Анвар Садатнинг олдида шу масалани кўтариб қирди. Анвар Садат шайх Махмудни каттик эхтиром қилар, у билан дўстона суҳбатлашар эди. У бу таклифни дархол қабул қилди. Шайх Махмуд ушбу уюшмага рахбар этиб тайинланди.

Шайх Махмуднинг масжидлардаги хизматлари

Миср таомилига кўра, машхур корилар одамларга тиловат килиб беришлари учун маълум масжидларга тиркалади. Шайх Банно Кохирадаги Хадоикул-Кубба деган жойдаги подшоҳ масжидида беш йил жума кунлари кироат килиб берди. Кейин Кохиранинг Қалъа маҳалласидаги Имом Аҳмад Рифъоийнинг масжидида ҳам беш йилча хизмат қилди. Сўнг Танто шаҳридаги улуг олим, тасаввуф намояндаларидан бири Аҳмад Бадавийнинг масжидига қори этиб тайинланди ва у ерда 23 йил хизматда бўлди. Шайх Махмуд Аҳмад Бадавийнинг якин дўстига айланди. 1980 йилдан 1985 йилгача, яъни вафотигача Пайгамбаримиз соллalloху алайхи васалламнинг набиралари имом Хусайн розияллоху анху номидаги масжидда қорилик вазифасини бажарди.

Шайх Махмуднинг онаси ўглини масжидда хизмат қилишини каттик орзу қилган эди. Бу орзусига етиштиришини Аллох талодан доим дуо қилиб сўрар эди. Махмуд Али Банно Тантодаги масжидда тиловат қилгани чикканида унинг онаси ҳам масжидга бориб, ўглининг тиловатини тинглади. Уни одамлар олқишлаб, зиёрат қилаётганини кўриб, яна

хам кувонди. Уйга келганида ўглига: «Бугун сени масжид ходимларининг саййиди бўлганини кўрдим. Аллохга хамдлар бўлсинки, менинг дуоларимни ижобат килди», деди. Шунда одобли ўғил онасини кучиб, унинг кўлларини ўпди, унга ўз ташаккурини изхор килди.

Али Банно ўгли шайх Махмудни доим Шибро Бос кишлогига бир масжид куришини тайинлар эди. Шайх Махмуд хаётининг охириги йилларида бу васиятни бажаришга имкон топди. Масжид кўтарилиб, унинг безак ишлари тугатилар экан, Махмуд Али Баннонинг хам хаёти охирилар эди.

Махмуд Алий Баннонинг вафоти

Шайх Махмудни 1985 йил рамазон ойида Абу Дабийга Рамазон кечаларини ўтказиб бериши ва Куръони Каримни тасмага тўлик хатм килиб бериши учун таклиф килишди. Сафардан кайтгач, у кишида бир беморлик юз берди. Касал борган сари зўрайиб борарди. Охири у киши Кохирадаги шифохоналардан бирига ётқизилди. У бу ерда икки хафта ётди. Вафотидан икки кун олдин фарзандларини чакириб, ўгли Ахмадга коғоз-калам олишни буюрди. Ахмад отамнинг ёдига бирор нарса тушди, шекилли, деб ўйлар эди. Шайх унга деди: «Ёз: «Араб ва Ислом олами радиоси ходими Махмуд Али Банно Аллохнинг раҳматига интикол килди... ўгли уни чалгитмокчи бўлиб: «Саксон ёш десам-чи?» деди. Шайх: «Йўк, ўғлим. Умр тугади, ажал етиб келди. Сен менинг гапимни бўлмаёз», деди. У бор мол-мулкни фарзандларига шариатга мувофиқ таксимлаб берди. Кейин улардан: «Мендан яна нима талабларингиз бор?» деди. Йигидан кўзларидан ёш куйилаётган фарзандлар хўнграб юборишди. Шайх ўзининг охириги маросимини қандай ўтказишни фарзандларига тайинлар экан: «Менинг сизлардан охириги илтимосим – тобутим ёнига овоз ёзиш ускунасида Куръон тиловатини кўйиб кўясиз, токи кабримга киргунимча у менга хамрох бўлсин», деди.

Шайх Махмуд вафотидан бир кун олдин ўзининг кадрдон дўсти Мутаваллий Шаъровийни сўради. Яқинлари шайх жаноблари Кизил денгиз бўйида сафарда эканини айтишди. Шунда Махмуд Али Банно: «У етиб келган», деди. Хакикатан хам Шаъровийнинг уйига боришса, сафардан келиб турган экан. У киши хабарни эшитиб, дархол шифохонага етиб келди. Шайх Шаъровий ўзини тутиб тура олмай, йиглаб юборди. Махмуд Али Банно дўстига жанозасида иштирок этишини васият килди. Шаъровий эса: «Албатта, биз Аллохникимиз ва Унга кайтгувчидирмиз» дея олди, холос.

Шайх Махмуд Али Банно 1405/зулкаъда/03 хижрий, 20/07/1985 милодий санада шанба куни вафот этди. У кишининг жанозаси «Имом Хусайн» масжидида ўқилди. Жанозада васиятга мувофиқ, шайх Мутавалли Шаъровий имом бўлди. Шайх Махмуд ўзининг васиятига кўра, киндик кони тўқилган кишлоги Шибро Босдаги ўзи курдирган масжид ёнидаги макбарасига дафн килинди.

Шундай килиб, ярим асрдан зиёда Куръон билан зийнатланган умр ниҳоясига етди. Шайх Шаъровий дўсти Махмуд Али Баннони охириги манзилига кузатиб кўяр экан, ўзининг ёдномасида куйидаги дилсўзларини колдирди:

«Аллохим, Махмудга Куръондан ўқиган хар бир харфи эвазига хасанот ато этгин.

Куръонни унинг учун бир нур килгинки, ўша нур билан у Сен сари юрсин. Унга шундай бир нур ато этгинки, у нур билан нуриг сари юра олсинлар. Зеро, Сенинг нуригни нуригдан бир шуъласи берилган кишигина кўра олади. Чунки Сенинг нуригга факатгина Ўз нуриг бардош бера олади...»

Махмуд Али Баннонинг вафоти Ислон уммати учун катта мусибат бўлди. У кишининг овозлари кирк йил давомида каерларга борган бўлса, мотамлари хам шунча ерга етди. Бутун Миср халки бу улуг фарзандидан айрилганидан каттик кайгу чекди ва унинг ортидан хайрли дуолар килди.

Али Баннонинг номини абадийлаштириш мақсадида Миср ҳукумати 1990 йил Кадр кечасида бўлиб ўтган илмий анжуманда «Илм ва фан ордени»га шайх Али Банно номини берди, «Шайх Али Банно ордени» таъсис этилди. Шунингдек, бир канча кишлок, махалла ва кўчаларга хам у кишининг номи берилди.

Махмуд Али Баннонинг оиласи

Шайх Али Банно олти фарзанд кўрди: 4 ўғил, 2 киз.

1. Мухаммад Махмуд Али Банно. Саудия Арабистонида табиб бўлиб ишлайди.
2. Али Махмуд Али Банно. Хисобчи ва тижоратчи.
3. Ахмад Махмуд Али Банно. Кироат илми мутахассиси, машхур кори.
4. Шариф Махмуд Али Банно. Хисобчи ва тижоратчи.
5. Амол Махмуд Али Банно.
6. Нохид Махмуд Али Банно.